

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. PED.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИҚОВ АЗАМАТ ҚАҲРАМОНОВИЧ

**КЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРДА ҲУҚУҚИЙ
ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АҲТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
афтореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Холиқов Азамат

Кўришида нуқсонли бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини
ривожлантириш технологияси 3

Холиков Азамат

Технология развития правового мышления учащихся с нарушениями
зрения..... 24

Xolikov Azamat

Technology of development of legal thinking of students with visual
impairments..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИҚОВ АЗАМАТ КАХРАМОНОВИЧ

**КЎРИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРДА ҲУҚУҚИЙ
ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АҲТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped76 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мўминова Лола Рахимовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухиддинова Феруза
юримдик фанлари доктори, профессор

Нуркельдиева Дилбар Ахмадовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Абдулла Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» август соат 9.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-80-86; факс: (+998) 71-276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-80-86; факс: (+998) 71-276-76-51.

Диссертация автореферати 2020 йил “_____” _____ да тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Джўраев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Б.С.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш механизмлари таълим жараёнларига татбиқ этилган. Айниқса, сўнгги йилларда кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш масаласига муносабат дунё миқёсида кескин ўзгара бошлади. Дакар декларацияси асосида қабул қилинган «Таълим ҳамма учун» режа-дастури асосида бутун жаҳонда инклюзив таълимни жорий этиш ҳамда кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда¹.

Жаҳонда кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш, ҳуқуқий фанларнинг мазкур тоифага кирувчи ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш имкониятларини очиб бериш, ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган, шу билан бирга аудиториядан ташқари ишлар тизимини яратиш, ҳуқуқий тафаккурни ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқиш, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ошириш, уларда касбий билим, кўникма ва ҳаётий малакаларини шакллантириш, мустақил ишларни ташкил этишнинг инновацион воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Республикамизда жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш давлатимиз таълим соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Шахсга йўналтирилган, ижтимоий йўналтирилган таълим жараёнида кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришда табақалаштирилган ва индивидуал таълимни ташкил этиш, шахсий, оилавий, ижтимоий ҳаёт ва меҳнат фаолияти интеграцияси асосида ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, умумтаълим муассасаларида инклюзив (уйғунлашган) таълим шароитида кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг адаптив методикасини ишлаб чиқиш, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг коррекцион (тузатувчи) - ривожлантирувчи таълим муҳитини яратишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилган. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Дакарские рамки действий. Образование для всех: выполнение наших общих обязательств // Текст, принятый Всемирным форумом по образованию Дакар, Сенегал, 26-28 апреля 2000 г. – Париж, 2000. – С.18.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим ўрин эгаллайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сон, 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқий тафаккурнинг моҳияти, тушунчаси, вазифалари ва унинг методологияси, ёшларга ҳуқуқий билим бериш, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш, узлуксиз таълимнинг турли босқичларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, умумий, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларга таълим-тарбия бериш масалаларига доир изланишлар Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, У.Тожионов, А.Саидов, Э.Абзалов, Р.Э.Турдибоева, М.Усмонбоева Т.К.Кудайбергенова, Н.Саидалиходжаева, О.Насириддинова, А.Рафиқов, О.Каримова, Ҳ.Тўйчиева, М.Аюпова, Н.Дадахужаева, Л.Муминова, Д.Нуркелдиева, Л.Нурмухамедова, Н.Рахмонкулова, У.Файзиева, Ф.Қодирова, М.Ҳакимова, Н.Абидова кабилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

МДХ давлатлари олимлари: Е.Базун, С.Бондаренко, В.Егоров, Е.Кропанева, М.Кручинин, В.Лазарева, М.Снегирёва, Е.Певцова, В.Потомахин томонидан таълим олувчиларга ҳуқуқий таълим-тарбия бериш масалалари тадқиқ этилган.

Кўришида нуқсонли бўлган болалар таълим-тарбияси ва уларнинг жисмоний нуқсонларини тадқиқ этиш бўйича бир гуруҳ хорижий олимлар ҳам, жумладан, N.Cuhrweirp, L.Zeythen, K.Becker, N.Felden, W.Belmer, C.Urwin, M.Baumgartner, D.Black, W.Krawietz, N.Luhmann, G.Riechers, H.Weber-Grellet, P.Werner илмий изланишлар олиб борган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Диссертация тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг методик таъминоти, Брайл тизими ва компьютер технологияларининг уйғунлигини таъминлашга доир амалий тақлифлардан ҳуқуқий йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуаси, «Ногиронлар қонун ҳимоясида» номли қўлланма, 2017 йил учун ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамиятининг 2019 йил 26 июндаги 1/01-462 сонли маълумотномаси).

Тадқиқотнинг мақсади кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш технологиясининг методик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини таркиб топтиришнинг ўзаро алоқадорлигини асослаш;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларини ёритиб бериш;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш мазмуни, омиллари ва технологияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш мазмуни жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг махсус таълимини ташкил этишга қўйиладиган талабларга компетенциявий ёндашувни жорий этиш асосида аниқлаштирилган;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг методик шартлари аудио казус ва вазиятлар таҳлиliga асосланган адаптив таълим муҳити (Smart learning) интенсивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш технологиясининг ташкилий-методик компоненти ҳуқуқий ҳужжатларни тинглаб тушуниш ва гапиришга асосланган интерфаол таълимга (иш ўйинлари) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш бўйича компетенциялар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш бўйича услубий қўлланмалар яратилган;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг энержайзер тренинг мажмуаси ишлаб чиқилган;

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари такомиллаштирилган;

«Ногиронлар конун ҳимоясида» ижтимоий лойиҳаси ишлаб чиқилган, ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг методик таъминоти Брайл тизими ва компьютер технологияларининг уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг методик шартлари, аудио казус ва вазиятлар таҳлиliga асосланган адаптив таълим муҳити (Smart learning) интенсивлигини таъминлаш, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш технологиясининг ташкилий-методик компонентини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлик; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўллангани; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг тўртта: мотивацион (ўзини ўзи такомиллаштириш, имконияти чекланган болалар билан ўзаро ҳаракатни режалаштириш ва амалга оширишнинг муҳимлигини тушуниш); когнитив (имконияти чекланган болалар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш соҳасига доир аниқ билимларга эгаллик, янги ахборотларни ўзлаштириш усуллари); ташкилий (ўзаро нутқий ривожланиш, новербал кўникмалар, биргаликдаги фаолиятни лойиҳалаштиришнинг тавсифи ва мантиқи); рефлексив (имконияти чекланган болалар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатда рефлексив кўникмаларнинг ифодаланиши ва намоён бўлиши (хиссиётнинг адекватлиги, ўзини ўзи таҳлил этиш, ўзини ўзи баҳолаш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, танқидийлик) даражасининг аниқлаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш; педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида умумий ўрта таълим мактаблари ва кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш бўйича ўқув модулларининг методик таъминотини яратишга хизмат қилди. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш технологиясидан педагогика олий таълим муассасалари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари, умумтаълим мактаблари ҳамда кўришда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш мазмуни, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг махсус таълимини ташкил этишга қўйиладиган талабларга компетенциявий ёндашувни жорий этишга оид таклифлардан ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари учун «Ҳуқуқшунослик» фани бўйича Давлат таълим стандарти ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 июндаги 89-03-2397-сон маълумотномаси). Натижада, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ҳуқуқшунослик фанларини ўқитишда компетенциявий ёндашув компонентларини жорий этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг методик шартлари, аудио казус ва вазиятлар таҳлилига асосланган адаптив таълим муҳитини (Smart learning) интенсивлигини таъминлаш, кўришда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришга доир амалий тавсиялардан ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 июндаги 89-03-2397-сон маълумотномаси). Натижада, инновацион ёндашув асосида махсус мактабларда ҳуқуқшунослик фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг методик таъминоти, Брайл тизими ва компьютер технологияларининг уйғунлигини таъминлашга доир амалий таклифлардан ҳуқуқий йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуаси, «Ногиронлар қонун ҳимоясида» номли қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар жамиятининг 2019 йил 26 июндаги 1/01-462 сонли маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда ижтимоий тармоқлар ва телефон

орқали хуруж қилинадиган фирибгарликлардан ўз-ўзини химоя қилиш малакаларини ривожлантириш самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика конференциясида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши 167 саҳифа матн, кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий тафаккурни таркиб топтиришнинг ўзаро алоқадорлиги, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятлари ҳамда кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Республикада амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларни модернизациялаш, замон талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган янги типдаги ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга йўналтирилган. Мамлакатда демократиянинг ривожланиши, тартиб ва қонунчиликнинг мустаҳкамланиши аввало жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида таъкидланганидек, «Жамиятимизда аҳоли,

айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис, «**Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари**» деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир»¹ деган эзгу мақсадларни кўзлаган концептуал фикрларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришимиз, ҳуқуқий онг ва маданиятни ёшлар онгига тобора чуқур сингдириш орқали уларда ахлоқий фазилатларни ривожлантиришимиз, ташаббускорлик, она юртга садоқат руҳида тарбиялашда тинимсиз изланишимиз лозим бўлади. Айнан шу боис аҳоли, айтиқса, ўқувчи ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси давлатимиз ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Ўқувчи ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги жамиятда янги авлоднинг пайдо бўлишига олиб келади. Ёшларнинг ҳар бир янги авлоди олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази томонидан чоп этилган «Мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун зарур булган дастурлар, методик кўрсатмалар, дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар ва дастури» тўпламида кўрсатилишича, бошланғич таълим (1-4 синфлар) «Конституция алифбоси» мазмунида амалга оширилиши керак. Бунинг учун дастурда 40 соат вақт ажратилган бўлиб, ҳар бир синфда 10 соатдан дарс ўтилиши кўрсатилган.

Умумий ўрта таълим босқичидан бошлаб, «Конституция оламига саёҳат», «Конституциявий ҳуқуқ» фанларини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларини ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. «Конституциявий ҳуқуқ» фан сифатида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълимда чуқур ва интенсив ўқитила бошлайди.

Ҳуқуқий тафаккур – шахс ҳуқуқий маданиятининг юксак кўриниши бўлиб, ҳуқуқий воқеликни англаш, ҳуқуқий муносабатларга эркин кириша олиш, ҳуқуқ доирасида хатти-ҳаракатларни амалга ошира олиш ҳамда ҳуқуқий фаолликка қобилиятлиликдир. Ҳуқуқий тафаккур мураккаб тузилишга эга бўлиб, у қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва алоқадор таркибий қисмлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий маданият.

Ҳуқуқий тафаккурнинг моҳияти, тушунчаси, вазифалари ва унинг методологияси, ёшларга ҳуқуқий билим бериш, уларда ҳуқуқий онг ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. Uza.uz.

маданиятни ривожлантиришга доир изланишлар Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, У.Тожихонов, А.Саидов, умумий, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш масалалари А.Рафиқов, О.Каримова, Ҳ.Тўйчиева, Э.Абзалов, Р.Э.Турдибоева, М.Усмонбоева, К.Кудайбергенова, Н.Саидалиходжаева, О.Насириддинова ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим-тарбия бериш масалалари бўйича кўплаб ўзбек олимлари ўзларининг илмий изланишларини олиб борганлар. Жумладан М.Аюпова, Н.Дадахўжаева, Л.Мўминова, Д.Нуркелдиева, Л.Нурмухаммедова, Н.Раҳмонқулова, У.Файзиева, Ф.Қодирова, М.Ҳакимова, Ф.Пўлатова, О.Рустамов, Ш.Халикова ва Н.Абидова жисмоний-руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўрганган.

Кўришида нуқсони бўлган болаларда психик жараёнлар хусусиятлари турғундир. Л.С.Виготскийнинг аномал ривожланишнинг мураккаб структураси ҳақидаги ғояси Россия дефектология ва тифлопедагогикасида, жумладан, Р.М.Боскис, И.М.Соловев, М.И.Земцова, В.С.Сверлов ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди. Бу кўп жиҳатдан кейинги йилларда бутун дунёда кузатилаётган кўришида нуқсони бўлган шахслар таркибининг ўзгариши билан боғлиқ.

Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгига уларни ҳуқуққа оид илмий тўғаракларга, илмий-ижодий изланишларга жалб этиш яхши таъсир кўрсатади. Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: асосий касб-ҳунарга оид ҳуқуқий билимларни ўрганиш; келгусида касб-ҳунарга оид лавозимларда ишлашга доир юридик маслаҳатлар олиш; ўқув юртининг ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий тадбирларида иштирок этиш; ўқув юртидаги илмий-ижодий уюшмаларда, назарий анжуманларда иштирок этиш; жамоат ташкилотлари, нодавлат уюшмалари, фуқаролик йиғинлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш, турар жойларидаги маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари, турли ташкилотларнинг оммавий-маданий тадбирларида иштирок этиш.

Ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир. Бинобарин, ҳуқуқий муносабат, биринчи навбатда, юридик нормаларни амалга оширишнинг, ҳуқуқ амал қилишининг натижасидир. Айнан ҳуқуқий муносабатлар орқали ҳуқуқ “яшайди”, амал қилади. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий имкониятлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳақиқий манзарасини айнан ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши кўрсатади.

Ҳуқуқий фаолият – ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Хуқуқий тафаккур кўришда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг фақат хуқуқий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, балки хуқуқий жараёнларни тўлиқ англай олиши, хуқуқий воқеликнинг намоён бўлиши, ривожланиш кўлами, сабаб ва оқибатларини кўра олиши, хуқуқий билимларга асосланган ҳолда ўзининг аниқ хулосасини чиқара олишига имкон беради.

Диссертациянинг «**Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг хуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими**» деб номланган иккинчи бобда кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда хуқуқий фанларни ўқитишнинг мавжуд ҳолати, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг хуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг модулли технологияси, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг хуқуқий тафаккурини ривожлантиришда юридик ҳужжатлар билан ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Кўришида нуқсони бўлган болалар мактабда синф ва тарбия гуруҳлари 10-12 нафар, мураккаб нуқсонли болалар учун 5-7 ўқувчидан иборатдир. Бошланғич таълим ўқувчилари кўрғазмали-образли ва назарий тафаккур элементларини эгаллайди, ўқиш, ёзиш, санаш, тасаввурларни тушунишни ўрганади. Иккинчи босқичда болалар билан билим, шахсий ва ҳаракат доираси, коррекцион йўналиш бўйича гигиена ва кўришни муҳофазалаш, соғломлаштириш ишлари давом этади. Учинчи босқич ўрта мактаб умумтаълим тайёргарлиги ва меҳнат курси тугалланишини таъминлайди. Таълим кенг ва дифференцияли асосда олиб борилади.

Шу билан бирга, кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларга хуқуқшунослик фанларини ўқитишда ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Айтиш керакки, ўқувчиларга хуқуқий билимлар беришда, ўқув адабиётларнинг бўртма шаклда чоп этилмаганлиги ўқув фаолиятни амалга оширишда ўзининг салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Барчамизга аёнки, ижтимоий фанлар оғзаки шаклда тингловчиларга етказилади. Бу ҳолатда икки томоннинг ўқув тайёргарлиги машғулот жараёнига мақсадли ёндашуви ҳамда матн ва мавзуларни ўзлаштириш принципига эришишига боғлиқ бўлади. Хуқуқий таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур: кўришида нуқсони бўлганлар махсус мактаб-интернатларини керакли ва зарурий ўқув адабиётлари билан таъминлаш; 5-10 синф ўқувчилари учун мўлжалланган хуқуқшунослик фанларига таалуқли бўлган бўртма шаклдаги дарсликларни чоп этиш; таълимнинг визуал воситалари мослаштирилган видеолар, роликлар ҳамда хуқуқий вазиятларни очиб берувчи тасмалардан фойдаланишни йўлга қўйиш; машғулот жараёнида шу тоифа ўқувчиларига мослаштирилган ўқув-кўрғазмали воситалардан фойдаланиш: схемалар, бўртма шаклдаги чизмалар, вазиятни асословчи ва тушунчаларни ёритувчи мосламаларни яратиш ва ҳ.к.

Кўришида нуқсони бўлганлар хуқуқий таълим-тарбиясининг интеграциялашувида қуйидаги омилларга эътибор бериш зарур:

1. Педагогик омил – ўқитувчи дидактик қоидаларга таянган ҳолда ўқувчини ҳақиқий шахс сифатида тарбиялаш, ўқувчидаги ички мотивация

ўқув фаолиятини ижобий тарзда шакллантириш ҳамда ўқув қобилиятини юзага чиқариш вазифаси туради.

2. Психологик омил – ўқувчидаги қизиқиш, диққат, фаолият ҳамда характер хусусиятларини рухий жиҳатдан адаптация этиш. Бунда таълим олувчининг ички имкониятларини, мулоқот жараёнларини юзага чиқариш қоидаларини ўрганмоғи лозим.

3. Ижтимоий омил – бу босқич таълим олувчиларни соғлом ўқувчилар билан бир қаторда, тенг руҳда қўшилишни таъминламоғи лозим бўлади. Афсуски, ушбу омилни татбиқ этиш жараёнлари махсус соҳа таълим тизимларида яхши йўлга қўйилмаган.

4. Коммуникатив омил – махсус ўрта таълимни яқунлаган ўқувчиларнинг коммуникатив мулоқоти кўп жиҳатдан бир томонлама шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Муомала жараёнидаги нутқий камчиликлар, муомала маданиятининг тўлиқ шаклланмаганлиги ўқувчиларнинг муносабат жараёнларини оғирлаштириб қўймоқда.

Юқорида келтирилган омилларни педагогик амалиёт жараёнида босқичма-босқич ҳал этиш зарур. Негаки, имконияти чекланган ўқувчиларнинг касбий фаолиятини, мустақил ҳаракатланиш жараёнини ҳамда шахслараро муомала масалаларини ҳал қилишда: интеграциялашган таълим муҳитини яратиш; педагогик ходимлар ўртасида амалий, педагогик ҳамда касбий алоқани ўрнатиш; имконияти чекланган ва соғлом ўқувчилар ўртасида ўзаро коммуникатив муносабатни ҳосил қилиш; интеллектуал ўйинлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақаларини ташкиллаштириш; махсус таълим ўқувчиларини ҳақиқий ҳаётга йўналтиришга таъсир этувчи мотивацион вазифаларни белгилаш; махсус таълим ўқувчиларини интеллектуал салоҳияти ва касб-ҳунар маҳоратини ошишига ижобий таъсир этиш ҳамда уларни эртанги кунга ишонч руҳида тарбиялаш.

Технологик ёндашувнинг умумий тавсифига таянган ҳолда, кўришда нуқсонли бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришнинг куйидаги уч (билим, фаолият, қадрият) босқичли ва тўрт даражали (англаш, тушуниш, муносабат, фикрлаш) технологиясини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Кўришида нуқсонли бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш технологияси мазмуни

Босқич лари	Даражалари			
	Англаш	Тушуниш	Муносабат	Фикрлаш
Билим	Ўқувчи ҳуқуқий воқеликка доир билимларни ўзлаштиради, уларни билиб олади ва эслаб қолади	Ҳуқуқий воқеликнинг инсон ва жамият учун аҳамиятини аниқлайди, унинг ҳуқуқийликка доир моҳиятини тушуниб етади,	Ҳуқуқий нор-маларда акс этган меъёрларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрнини изоҳлайди, давлат ва ҳуқуқ	Ўзини ҳуқуқий воқелик ишти-рокчиси сифатида идрок эта олади, ҳуқуқий воқеликка қадриятли муносабат таркиб топади.

		хуқуққа доир тушунчаларни эгаллайди ва ўзига хос белгиларини тав-сифлайди.	ўрта-сидаги алоқа-дорликнинг намоён бўлишини кўра олади.	
Фаолият	Хуқуқий воқелик инсон ва жамият фаолияти натижалари эканлиги, хуқуқий фаолият натижалари моддий ва маънавий асосда намоён бўлишини англайди	Хуқуқий фаолият маҳсуллари ва уларнинг ижтимоий аҳамиятини билиб олади.	Инсонларнинг хуқуқий хатти-ҳаракатлари бунёдкор ёки вайронкор кучга эга бўлишини аниқлай олади.	Хуқуқбузарликка мурасасиз бўлиш, адолатпарвар бўлишга интилиш.
Қадрият	«Мен ўзимни хуқуқий воқеликнинг фаол иштирокчиси сифатида кўра оламанми?», «Мен учун хуқуқ ва бурчлар қандай аҳамиятга эга?», «Хуқуқий жараёнлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишим мумкинми?»	Хуқуқий воқеликнинг моҳиятини таҳлил этиш – «Мен бун билишни хоҳлайманми? », «Нега мен бундай нуқтаи назардаман?»	«Менда хуқуқий воқеликка нисбатан мустақил муносабат мавжудми ёки йўқми? », «Нега мазкур ходиса рўй берган?»	«Мен хуқуқий меъёрларни инсон бурч ва эркинлигининг юқори кўрини сифатида баҳолайман», «Хуқуқий воқеликни ана шу нуқтаи назардан асос-лайман ва хуқуқий одиллик тарафдориман!»

Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларга хуқуқий таълим беришда «Фикрларнинг шиддатли хужуми», «Қарама-қарши муносабат» методларининг афзаллиги шундаки, улар таълим олувчиларни матнда учрайдиган муҳим тушунчаларни фарқлашда назария ва қарашлардаги асосли ва асоссиз ёндашувларни очиб беришда ёрдам беради. Ушбу методлар ёрдамида (давлат, хуқуқ ҳамда конституция) тушунчаларини таҳлил этиш жараёнида ўқувчилар қарама-қарши баҳсли мунозараларга киришишади. Масалан, ўқувчиларга кўйидагича қарама-қарши фикрларни шакллантиришга доир саволларни тақдим этиш мумкин: Конституция нега керак?; Конституциясиз яшаш мумкинми?; Конституцияси йўқ давлатлар ҳам борми?; Фуқаролар учун конституция зарурми? ва ш.к.

«Нуқтаи назаринг бўлсин» топшириғи. Топшириқни бажариш учун (дарсликнинг 15-саҳифаси) синф тўрт гуруҳга бўлинади. Иккита гуруҳга «16 ёшга тўлган шахсларнинг сайловда қатнашишига рухсат берилишини маъқуллаймак» деган фикр асосларини танлаб олиш тавсия этилади. Қолган икки гуруҳ эса «фуқаролар 16 ёшдан сайлаш хуқуқига эга бўлишига қаршиман» деган фикрни асослаш учун далиллар тўплайди. Гуруҳдаги иш якунларини чиқариш овоз бериш тариқасида амалга оширилади.

Тадқиқот давомида «Мактаб ўртоқлик суди» методидан фойдаланиш ҳам юқори самара бериши маълум бўлди. «Мактаб ўртоқлик суди»ни ташкил этиш орқали муайян ҳуқуқий мавзу доирасида ҳуқуқий воқелик моделлаштирилади. «Мактаб ўртоқлик суди» ўтказиладиган мавзу олдинги дарсда ўқитувчи томонидан ишлаб чиқарилган сценарий асосида ўқувчиларга таништирилади. Роллар тақсимланади, ҳар бир ижрочига бириктирилган роллар бўйича маъруза матнлари ўқувчиларга етказилади ва кўпи билан 20 минутга мўлжалланган суд жараёни ташкил этилади. Бунда маълум маънода ўқувчиларда ҳуқуқни талқин қилиш кўникмалари шаклланади. Ўқувчиларда ҳуқуқий қоидаларга, воқеаларга ва қонун нормаларига бўлган қизиқиш ортади. Бу каби вазиятли методларни қўллаш ўқувчиларда ҳуқуқий тасаввурни бойитади. Кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар худди радио орқали спектаклни эшитгандай мавзунини осон тушунишига эришиш мумкин бўлади.

Педагогик тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда ҳамда изланишларнинг натижасида кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларга ҳуқуқий фанларни ўзлаштиришда ёрдам берувчи овозли технологиялардан фойдаланиш методи тавсия этмоқчимиз.

Ушбу технологиянинг афзаллиги шундаки, у дарслик ва ўқув адабиётлар муаммосининг нисбатан ечилишида кўмаклашади. Овозли технологиядан фойдаланиш воситаларига қўйидагилар киради:

1. Овоз ёзиб олувчи диктофонлар, шу вазифани бажарувчи мослаштирилган қурилмалар ҳамда технологиялар.

2. Ҳозирги вақтда кўришида нуқсони бўлган ўқувчилар таълимида қўлланиб келинаётган «жавс технологияси» ўрнатилган овозли компьютер воситалари.

Улар ёрдамида электрон дарслик матнлари ўқувчиларга етказилади. Ўқув адабиётлари овозли тасмага «туширилади». Бу технологиянинг қулай жиҳатлари кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари кенгайиши, уларнинг ҳуқуқий қарашлари ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «**Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобда кўришда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш ва режалаштириш, кўришда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари учун методика ишлаб чиқилди ва тажриба-синов ишлари босқичлари, тажриба-синов ишларини ўтказишга доир тарқатма материаллар ҳамда тажриба-синов методларини ўз ичига олди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослашган интернат-мактаб, 24-сонли Бухоро вилояти кўзи ожиз болалар махсус интернат-мактаби, 18-сонли Қашқадарё вилояти кўзи ожиз

болалар махсус интернат-мактаблардан 153 нафар ўқувчи ва 9 нафар ўқитувчи қатнашди. Ҳар бир муассасадан 8-9-10-синф ўқувчилари ва 3 нафар фан ўқитувчиси жалб этилди. Ўқувчиларнинг 77 нафари тажриба гуруҳи, 76 нафари эса назорат гуруҳига бириктирилди.

Тажриба ва назорат синфларидаги ўқувчилар сони қуйидагича бўлди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентларнинг синфлар кесимидаги тақсимоти

№	Синфлар	Тажриба синфи ўқувчилари сони	Нazorат синфи ўқувчилари сони
1.	8-синф	30	30
2.	9-синф	24	22
3.	10- синф	23	24
Жами		77	76

3-жадвал

Тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ҳуқуқий саволларга тажрибадан аввал берган жавоблари

№	Саволлар	Юкори	Ўрта	Паст	Фоииз
8-синф (60 нафар ўқувчи)					
1.	«Ахлоқ» деганда нимани тушунасиз?	10	18	32	49
2.	«Ҳуқуқ» тушунчасига таъриф беринг.	7	14	39	34
3.	Ахлоқ билан ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатларини очиб беринг.	2	31	27	37
4.	«Давлат» тушунчасига изоҳ беринг.	13	25	22	61
5.	Ахлоқ ва ҳуқуқнинг боғлиқлик томонларини ёритинг.	10	27	23	61
6.	«Жамият» тушунчасига таъриф беринг.	20	20	20	64
7.	Давлат ва ҳуқуқ тушунчаларининг алоқадорлигини ёритинг.	22	18	20	64
9-синф (46 нафар ўқувчи)					
1.	«Конституция» атамасига изоҳ беринг.	12	14	20	52
2.	Конституциявий ҳуқуқ деганда нимани тушунасиз?	12	18	16	66
3.	«Ижтимоий тенглик» тушунчасига изоҳ беринг.	8	20	18	56
4.	Тенг ҳуқуқлилиқ деганда нимани тушунасиз?	6	18	22	48
5.	«Мажбурият» тушунчасига изоҳ беринг.	11	16	19	54
6.	«Фуқаро» ва «фуқаролик» тушунчаларини	11	18	17	58

	мазмунини ёритинг.				
7.	«Конституциявий ҳуқуқлар» деганда қайси ҳуқуқларни тушунасиш?	12	19	15	62
10-синф (47 нафар ўқувчи)					
1.	«Вояга етмаганларнинг конституциявий ҳуқуқлари» деганда нимани тушунасиш?	15	18	14	66
2.	Конституциявий бурчлар ҳақида тушунча беринг.	8	21	18	58
3.	Жамоат бирлашмаларига нималар киради ва уларнинг конституциявий асосларини ёритинг.	11	20	16	62
4.	Қонун чиқарувчи орган ҳақида нималарни биласиз?	8	22	17	60
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини тушунтиринг.	8	21	18	58
6.	Суд ҳокимияти тизими ҳақида айтиб беринг.	9	23	15	64
7.	Сайлов тизимини баён этинг ва сайловда катнашиш талабларини ҳуқуқий жиҳатдан ёритинг.	11	16	20	54

Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари жараёнида сўровнома, тест каби тадқиқот методларидан кенг фойдаланилди.

Юқорида 153 нафар танланган тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ҳуқуқий саволларга тажрибадан аввал берган жавоблар натижалари келтирилди (3-жадвалга қаранг).

Амалга оширилган педагогик экспериментдан сўнг «ҳуқуқий тафаккур» тушунчасининг моҳияти тажриба-синов ишлари якунида ўқувчилар томонидан қуйидагича шарҳланган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Ўқувчиларнинг “ҳуқуқий тафаккур” тушунчасининг моҳиятини англаш даражалари

Т.р.	Тушунчалар	Тажриба синфи n=77		Назорат синфи n=76	
		Жавоблар			
		Тўғри	Нотўғри	Тўғри	Нотўғри
